БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

8-ИЛ ЧИҚИШИ
№ 191 (1969)
27 СЕНТЯБРЬ ЧОРШАНБА 1961 ЙИЛ
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

Кеча Ўзбекистон Компартияси XVI съезди Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳамда Ревизия комиссиясининг ҳисобот докладларини тинглади ва муҳокама қилди.

Съезд бугун ўз ишини давом эттиради.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ XVI СЪЕЗДИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси XVI съездининг „КПСС Устави проекти тўғрисида"ги

РЕЗОЛЮЦИЯСИ

Ўзбекистон Компартиясининг XVI съезди Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ М. М. Мусахоновнинг КПСС Уставы проекти тўғрисидаги докладини эшитиб ва муҳокама қилиб, шуни зўр мамнуният билан қайд қиладики, бутун совет халқи каби Ўзбекистон коммунистлари ва меҳнаткашлари ҳам умумхалқ муҳокамасига қўйилган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Программаси ва Устави проектларини зўр қувонч ва ифтихор билан кутиб олдилар.

Марказий Комитет ишлаб чиққан ва КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми маъқуллаган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси янги Уставининг проекти Программанинг «Коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган даврга партиянинг ўзининг ривожланишидаги, унинг сиёсий, идеологик ва ташкилий ишларининг ривожланишидаги янги, янада юқорироқ босқич мос келади» деган кўрсатмасига таянади.

КПСС янги Уставининг проекти ташкилий масалаларда марксизм-ленинизмни ижодий қўлланиш ва ривожлантириш намунасидир. Устав проекти турмушнинг янги талабларига жавоб беради, КПСС XIX съездидан кейин тўпланган тажрибани илмий асосда умумлаштиради, партиянинг бутун ташкилотчилик ишларини гоят катта сиёсий ва хўжалик вазифаларига мувофиқ келадиган янги, янада юксак даражага кўтариш тадбирларини назарда тутади.

Устав проекти партиянинг ташкилий тузилишини яхшилаб, партия ишининг форма ва методларини такомиллаштириш, партия ички ҳаётини янада демократлаштириш, партия ташкилотлари фаолиятида ташаббускорликни ва жамоатчилик асосларини ривожлантириш, коммунистик қурилишда ҳар бир партия аъзосининг ролини ошириш учун янгидан-янги жуда кенг имкониятлар очиб бериб, партия ҳаётининг ленинчи нормаларини: партияга якка-якка тартибда танлаш, партия аъзосининг партия ташкилотларидан бирида ишлаш мажбурийлиги, демократик централизм, коллектив раҳбарлик принциплари ва бошқа ленинча асосий тартиб-қоидаларини ўзгартирмасдан сақлаб қолади.

КПСС янги Уставининг проекти — партиямизнинг абадий барҳаёт марксча-ленинча таълимотга бениҳоя содиқлигининг, унинг бу гениал таълимотни ривожлантириш ва бойитиш тўғрисида, партиямизнинг марксизм-ленинизмни коммунистик қурилиш практикасида ижодий татбиқ эта билиш маҳорати тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганлигининг ёрқин далилидир.

Партия — давримизнинг, буюк революцион туб ўзгартишларни амалга ошираётган совет халқининг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждонидир. Партия келажакни зийраклик билан кўради, халққа олға ҳаракат қилишнинг илмий жиҳатдан асосланган йўлларини очиб беради, оммага гоят катта куч-гайрат бағишлайди, оммани улуғ вазифаларни ҳал қилиш сари олға бошлаб боради.

Бутун совет халқи каби, Ўзбекистон партия ташкилоти, меҳнаткашлари ҳам КПСС Устави проектини якдиллик билан ва қизғин маъқуллайдилар, совет халқини коммунизм сари дадил бошлаб бораётган Ленин партиясининг ва унинг доно Марказий Комитетининг ҳормай-толмай ишлаётганлигидан гоят мамнун эканликларини изҳор этмоқдалар.

Съезд республиканинг барча партия ташкилотлари зиммасига КПСС Устави проектини баланд овоз билан ўқиш, лекциялар, докладлар ташкил қилиш, суҳбатлар, консультациялар, тематик кечалар, назарий семинарлар ва илмий конференциялар ўтказиш йўли билан янада чуқурроқ ўрганилиши, тушунтирилиши ва муҳокама этилишини таъминлаш. Устав проектидаги юксак идеяларни ҳар бир коммунист онгига чуқур етказиш вазифасини юклайди. Матбуот, радио ва телевидение шу мақсадларга хизмат қилиши керак. Меҳнаткашларни марксча-ленинча илмий дунёқараш руҳида, совет ватанпарварлиги, пролетар интернационализмининг олижаноб ғоялари руҳида, халқлар дўстлиги руҳида, коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодексига оғишмай риоя қилиш руҳида тарбиялаш ишларини кучайтириш лозим.

КПСС Устави проектини ўрганиш шундай ташкил этилиши керакки, у барча партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини янада оширишга, меҳнаткашлар оммасини етти йилликнинг учинчи йили учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муддатидан олдин ва ортиғи билан бажаришга, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXII съездини муносиб кутиб олишга сафарбар этишда ёрдам берсин.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XVI съезди қатъий ишонч билдирадики, партия тарихий ҳужжатларидан — КПСС Программаси ва Уставининг проектларидан рухланган Ўзбекистон коммунистлари ва бутун меҳнаткашлари мамлакатимизнинг барча халқлари каби ўз сафларини Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети тевварагига янада жипслаштирадилар, ўзларининг бутун куч, билим ва ғайратларини коммунизм қуришнинг буюк ишига бағишлайдилар.

КЕЧА СЪЕЗДДА

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XVI съезди 26 сентябрда ўз ишини давом эттирди.

Эрталабки мажлис Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари **М. М. Мусахонов** раислигида очилди. Съезд кун тартибидаги учинчи масалани муҳокама қилишга киришди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ҳисобот докладини қилди.

Шундан кейин Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссиясининг ҳисобот доклади тинглади. Бу ҳақда ревизия комиссиясининг раиси **К. Каримов** доклад қилди.

Докладлар юзасидан қизғин муҳокаралар бошланди. Эрталабки мажлисда бўлган муҳокаралар Андижон область партия комитетининг биринчи секретари **Р. Курбонов** ва Тошкент тўқимачилик комбинатидаги коммунистик меҳнат бригадасининг раҳбари **В. Т. Пидинова** қатнашдилар.

Танаффуздан кейин мажлис Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг биринчи секретари **К. Нуъмонов** (Яшин) раислигида ўтди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва ревизия комиссиясининг ҳисобот докладлари юзасидан муҳокараларда Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари **Н. Ж. Худойбердиев**, Қорақўл районидаги «Октябрь» колхозининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Ш. Баракаева**, Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари **Т. Қамбаров**, Юқори Чирчиқ район партия комитетининг биринчи секретари **М. В. Ким**, Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Қ. Муртазоев**, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари **О. Маҳмудов**, Гурлан районидаги Сталин номли колхознинг раиси **Нам Хин Дюн**, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари **Н. Маҳмудов** сўзга чиқдилар.

Съезднинг шундан кейинги мажлиси Олтинкўл район партия комитетининг биринчи секретари **Т. Каримова** раислигида ўтди. Бу мажлисда ҳисобот докладлари юзасидан музокараларда Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгашининг раиси **Н. В. Мартинов**, Янгиқўрғон районидаги «Ленинград» колхози партия комитетининг секретари **З. Тожибоева** сўзга чиқдилар.

Туркистон ҳарбий округининг жангчилари шахдам қадамлар билан залга кириб келганларида, съезд қатнашчилари уларни давомли қарсаклар билан кутиб олдилар. Офицер **Н. Г. Сигалаев** армия коммунистлари номидан, Туркистон ҳарбий округининг бутун шахсий состави номидан съезд делегатларига ва улар орқали республиканинг барча меҳнаткашларига жанговар армия саломини топширади. КПСС Программаси проекти ва совет Ватанининг жаҳоншумул тарихий ғалабаларидан илҳомланган Туркистон ҳарбий округининг жангчилари, дейди у, партия XXII съезди шарафига олган ўз мажбуриятларини зўр ғайрат билан бажармоқдалар. Барча совет кишилари каби улар ҳам Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг жонажон давлатимиз мудофаасини янада мустаҳкамлашсоҳасида кўраётган тадбирларини қизғин ва якдиллик билан маъқулламоқдалар. Туркистон ҳарбий округининг жангчилари янги уруш хавфини бир минут ҳам эсдан чиқармайдилар, Америка империалистларининг макрли кирдикорларини зийраклик билан кузатиб турибдилар ва ўзларининг ҳарбий маҳоратларини зўр бериб такомиллаштирмоқдалар, ҳушёрликни оширмоқдалар.

Биз, дейди жангчилар вакили, ҳамиша шай бўлиб турибмиз ва севикли Ватанимизнинг манфаатлари қанча талаб этса, армия сафида шунча вақт хизмат қиламиз. Сизларни ишонтириб айтамизки, биз партия ва ҳукуматининг ҳар қандай буйруғини бажаришга доим тайёрмиз. Совет Ватанига ёки социалистик лагердаги бошқа бирон мамлакатга ҳужум қилишга уринмоқчи бўлган ҳар қандай агрессорни мажақлаб ташлашга тайёрмиз.

Мажлиснинг охирида ҳисобот докладлари юзасидан музокаралар давом этди. Музокараларда Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи республика жамиятининг раиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти **И. М. Мўминов**, Олтинтопган руда бошқармасининг экскаватор машинисти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **В. Н. Западненко**, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **М. Иброҳимов**, Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг биринчи секретари **К. Нуъмонов** (Яшин) сўзга чиқдилар.

Мажлисларда Ўзбекистон Компартиясининг XVI съезди номига олинган табрик телеграммалари ва хатлар ўқиб берилди. Озарбайжон, Арманистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон Коммунистик партиялари Марказий Комитетлари съездга ўз табрикларини юборадилар. Кўп корхоналар, колхоз ва совхозларнинг коллективлари меҳнат соҳасида эришган муваффақиятлари тўғрисида съездга рапорт бердилар.

Съезд Белоруссия ва Латвия Компартиялари съездларига табрик телеграммалари юборди.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XVI съезди бугун ўз ишини давом эттиради.

* * *

26 сентябрь кечқурун Ўзбекистон Компартияси XVI съездининг делегатлари учун республикадаги бадиий ҳаваскорлик коллективлари қатнашчиларининг иштироки билан катта концерт қўйиб берилди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ҲИСОБОТИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ доклади

Ўртоқлар!

Ўзбекистон Компартиясининг XVI съезди ажойиб илҳомбахш кунларда тўпланди. Ижодий кучлари барқ уриб турган, қудратли яратувчилик завқи билан тўлибтошган мамлакатимиз халқлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXII съездини кутиб олишга тайёрланмоқдалар.

XXII съезднинг улуғ тарихий аҳамияти шундан иборатки, у партиянинг янги Программасини, совет кишиларининг ҳозирги авлоди коммунизм даврида яшайди деб, тантанали равишда эълон қилган Программасини қабул қилади.

КПССнинг янги Программасига замонамизнинг Коммунистик Манифести деб тўғри ном берилди. Бу Программа ҳамма даврлар ва халқларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий программалари орасида энг улуғ Программадир. Абадий тирик, ижодий марксизм-ленинизм руҳи билан суғорилган бу Программада ҳозир биз ўзимизнинг асл мақсадимизга жуда яқинлашиб қолганлигимиз кўрсатиб ўтиладики, шу мақсадни рўёбга чиқармоқ учун бизнинг партиямиз янги турмуш қурувчиларга қарийб олтмиш йилдан бери ҳормай-толмай ишонч билан етакчилик қилиб келмоқда.

Барча совет кишилари якдиллик билан маъқуллаётган КПССнинг программ ҳужжатларини муҳокама қилиш партия билан халқнинг бузилмас бирлигини кўрсатувчи янги ёрқин намойишга айланди. Партия қўйган улуғвор вазифалардан руҳланган бутун совет халқи каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришга қўшаётган ўз ҳиссаларини кўпайтирмоқдалар.

Ўзбекистон Компартиясининг бундан олдинги XV съездидан бери орада унчалик кўп вақт ўтмади—бир йил-у етти ойдан сал кўпроқ вақт ўтди.

Лекин бу давр гоят бой мазмун билан суғорилган, жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эга воқеалар билан тўлган давр бўлди. Бу давр партия ва халқнинг КПСС XX ва XXI съездлари қарорларини амалга ошириш учун, етти йиллик планнинг улуғвор топшириқларини бажариш учун олиб борган қаҳрамонона курашининг муҳим босқичи бўлди.

Партия турмуши ленинча нормаларининг ва коллектив раҳбарлик принципларининг тикланганлиги коммунистларнинг, барча меҳнаткашларнинг ижодий ташаббусини тағин ҳам баланд кўтарди. партиянинг омма билан алоқаларини янада кенгайтириш ва мустаҳламлашда жуда катта роль ўйнади.

Йирик назариячи ва турмушнинг энг чуқур жараёнларини яхши билган ажойиб билимдон Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг қизғин фаолиятига ҳаммамиз қойил бўлмоқдамиз. Бу фаолият Ленин руҳи билан, Ленин донишмандлиги билан, халқнинг кучига, илмий коммунизм улуғ идеяларининг тантанасига ленинча ишонч билан суғорилган фаолиятдир. КПСС Марказий Комитети олға бориш йўлимизга халақит бераётган тўсиқларнинг ҳаммасини йўлимиздан олиб ташлаб, партиянинг, барча совет кишиларининг куч ва ғайратини коммунистик жамиятни муваффақият билан қуришга қудратли революцион ғайрат ва ишчанлик билан йўлламоқда.

Партиянинг XX съездидан кейинги даврда ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонларнинг иттифоқи, СССР халқларининг дўстлиги ва қардошлиги тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамланди. Мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучлари тез суръатлар билан ўсмоқда, мамлакатнинг моддий ва маънавий бойликлари гуллаб-яшнамоқда, халқнинг турмуш даражаси тўхтовсиз ошмоқда. Социалистик тузум замиридаги имкониятлар, бу тузумнинг шак-шубҳасиз улуғ афзалликлари тобора тўлиқроқ намоён бўлмоқда.

Совет кишилари ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан партия XXI съездида қабул қилинган етти йиллик планнинг реаллигини исботлабгина қолмасдан, балки шу билан бирга мўлжалланган топшириқларни ошириб бажариб, бу планга ўзларининг тузатишларини ҳам киритмоқдалар.

Икки ярим йил мобайнида биз-нинг мамлакатимизда етти йиллик планда шу даврга мўлжалланганига қараганда 15 миллиард сўмликдан кўпроқ саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Энг янги техника билан ускуналанган мингминглаб янги корхоналар ишга туширилди. Бутун мамлакат янги қурилишларнинг ҳовазалари билан қопланган. Яқинда совет халқи ўзи эришган янги жуда катта ғалабани тантаналли байрам қилиб нишонлади—улуғ рус дарёси Волга бўйида жаҳонда энг катта гидроэлектростанция — КПСС XXII съезди номидаги электростанция ишга туширилди.

Партия қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини кескин юксалтириш, аҳоли учун озиқ-овқат маҳсулотларини ва саноат учун хом ашёни мўл-кўл қилиш йўлини оғишмай амалга оширмоқда. Колхоз ва совхоз далаларидан келаётган хушхабарлар ҳаммани қувонтирмоқда. Янги ғалла ҳосили давлат омборларига тўхтовсиз келиб турибди. Ҳамма нарса шуни кўрсатиб турибдики, Совет ҳокимияти вужудга келганидан бери ўтган йилларнинг ҳаммасидагига қараганда ҳам бу йил қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан кўп ҳосил олинади ва кўп харид қилинади.

Бизнинг мамлакатимиз ҳозирги даврдаги энг улуғ илмий-техника революциясининг олдинги сафида бормоқда. Инсоният тарихида янги давр—космосни ўзлаштириш даврини очган совет халқининг ижодий ақл-заковатига бутун дунё қойил бўлмоқда.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг турмушнинг ҳамма соҳаларидаги жуда катта муваффақиятлари, давлатимизнинг изчил тинчликсевар сиёсати унинг халқаро мақёсдаги обрўсини, унинг жаҳондаги воқеаларнинг боришига ўтказаётган таъсирини тағин ҳам баланд кўтарди. Тарих ўзининг қонуниятли йўлида муқаррар олға бора беради. Жаҳон социалистик системаси инсоният жамияти тараққиётининг ҳал қилувчи факторига айланмоқда. империализмнинг емирилиш процесси, шармандали мустамлакачилик системасининг тугаш, янгидан-янги халқларнинг социализм йўлига ўтиш процесси жадаллашмоқда.

Бу нарса Америка Қўшма Штатларидаги ва бошқа капиталистик давлатлардаги империалистик доираларни қутуртирмоқда. Улар ҳарбий васвасани авж олдирмоқдалар, Германия билан сулҳ шартномаси тузишга тўсқинлик қилмоқдалар, уруш бошлаш тўғрисида телбанамо планлар тузмоқдалар. Совет ҳукуматининг Германия Демократик Республикаси билан сулҳ шартномаси тузишга қарор қилганлигига жавоб АҚШнинг ва унинг НАТОдаги шерикларининг раҳбар арбоблари уруш бошламоқчи бўлиб дағдаға қилмоқдалар.

Лекин империализм ўзининг ифлос ишларини бемалол қила берадиган замонлар ўтиб кетди. Эндиликда жаҳонда милитаристларни жиловлаб қўя оладиган кучлар бор. «Агрессорлар шуни билиб қўйишлари керакки, — деди Н. С. Хрушчев,—агар улар уруш бошласалар, ўзларини ўзлари ўлдириш учун ҳаракат қилган бўладилар».

Совет кишилари КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг голиб социализм мамлакатининг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлашга қаратилган янги тадбирларини якдиллик билан маъқулламоқдалар.

Тинчлик ва тараққиёт душманлари ҳарбий васвасани авж олдираётган бир вақтда совет халқи коммунистик қурилишнинг улуғвор планларини амалга оширмоқда. Мамлакатимиз ўзининг социал, иқтисодий ва илмий-техника муваффақиятларини тинчликка, барча меҳнат аҳлларининг бахт-саодатига хизмат қилдирмоқда.

КПСС янги Программасининг проектида айтилганки, коммунизм барча кишиларни социал тенгсизликдан, барча формаларидан, уруш даҳшатларидан халос қилишдек тарихий вазифани бажаради ва халқлар учун Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик ва Бахт-саодат барқарор қилади. Партия Программаси проектидаги бу илҳомбахш, чуқур мазмунли сўзларни меҳнаткашлар қизғин маъқулламоқдалар.

СССРдаги барча қардош халқлар каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам КПСС Программасининг проекти билан—улуғ ишларнинг илҳомбахш плани билан таниш эканлар. Совет ҳокимияти йиллари мобайнида босиб ўтилган кураш ва ғалабаларнинг шрили йўлларини кўз олдиларига келтирадилар.

Революцияга қадар чор Россиясининг қашшоқ чекка ўлкаси бўлган Ўзбекистоннинг қудратли индустрияга, йирик, механизациялашган қишлоқ хўжалигига, шаклан миллий, мазмунан социалистик юксак маданиятга эга бўлиб, равнақ топаётган социалистик республикага айланганлиги билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Совет мамлакатидаги ҳамма миллат ва элатларнинг равнақ топганлиги, уларнинг ўтмишдаги иқтисодий ва маданий қолоқлиги социалистик қурилиш натижасида тугатилганлиги, уларнинг бир саф бўлиб коммунизм сари ғалабадан ғалабага бораётганликлари партиямиз ленинча миллий сиёсатининг энг улуғ тантанасидир.

Бизнинг халқларимиз учун энг катта бахт шуки, улар ягона қардош оилада яшаб меҳнат қилмоқдалар, биргаликда янги турмуш қурмоқдалар, КПСС Марказий Комитетининг ва жонажон Совет ҳукуматининг оталарча ғамхўрлигини кун сайин сезиб турибдилар.

Фақат кейинги икки йилнинг ўзида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ҳисоботи КПСС Марказий Комитетининг Пленумларида икки марта тингланганлиги шу ғамхўрликнинг ёрқин далилидир.

Ўзбекистон халқлари коммунизм қуришдек олижаноб мақсад йўлида куч ва ғайратларини аямай фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Республикамизнинг меҳнаткашлари ўзларининг бугунги бахтли кунлари ва тағин ҳам кўркамроқ бўладиган эртаги кунлари учун жонажон Коммунистик партиядан ва унинг халқ бахт-саодати учун ҳормас курашчи Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитетидан абадий миннатдордирлар. **(Қарсаклар).**

Янги турмуш қуришда бизга бебаҳо ёрдам бериб келаётганликлари учун биз СССРдаги барча қардош халқлардан ва, аввало, оғамиз улуғ рус халқидан беҳад миннатдормиз. **(Қарсаклар).**

Суратда: съезд делегатларидан (чапдан) Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг машҳур жўхорикори Любовь Ли, Тошкент тепловоз депосининг машинисти Башорат Йўлдошева ва Юқори Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхознинг донгдор жўхорикори Александра Ни ўртоқлар танаффус вақтида қизғин суҳбатлашмоқдалар.

В. Баскаков ва Р. Шамсутдинов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИНИНГ ИНДУСТРИЯСИ ЯНГИ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

Ўртоқлар! Ҳисобот даври мобайнида республика партия ташкилоти КПСС XXI съездининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, социалистик саноатни ва унинг етакчи тармоғи бўлган оғир индустрияни ривожлантиришга катта эътибор берди. Республикамизда саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатлари етти йилликнинг контроль рақамларида кўрсатилганидан илдамроқ бормоқда.

Кон-руда, энергетика, кимё, машинасозлик, нефть ва газ саноатлари, шунингдек биноқорлик материаллари саноати айниқса сезиларли ривожланди.

Кейинги йиллар ичида кўп миқдорда саноат объектлари, шу жумладан Фарғона нефть маҳсулотларини қайта ишлаш заводи, Поп резина-техника буюмлари заводи, уйлар қуриш учун яхлит панеллар ишлаб чиқарадиган Тошкент комбинати, ҳаммаси бўлиб 317 минг киловатт қувватта эга бўлган янги электростанциялар қурилди, ишга туширилди ва реконструкция қилинди. Тракторайғув заводи ўтган йили маҳсулот бера бошлади. Олтинтопган мис-бойитиш фабрикасининг биринчи секцияси ишга туширилди. Фарғона азотли ўғит заводининг биринчи навбатдаги қурилиши битай деб қолди, Чирчиқ электрокимё комбинати реконструкция қилинмоқда. Ҳаммаси бўлиб 1 миллион 800 минг киловатт электр қуввати берадиган энг катта Тошкент ва Навоий ГРЭСлари, Навоий шаҳрида кимё комбинати қурилмоқда. Булар табиий газ билан ишлайди. Оҳангаронда қурилаётган қудратли цемент заводининг биринчи навбатдаги қисми бу йил ишга туширилади.

(Давоми иккинчи бетда)

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ XVI СЪЕЗДИ

Ўртоқ Ш. Р. РАШИДОВ докладининг давоми

(Боши биринчи бетда)

Ҳисобот даври мобайнида республика саноати пландан ташқари 174 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Пландан ташқари 403 миллион киловатт-соат электроэнергия ишлаб чиқарилди. 43 минг тонна нефть, 260 минг тонна кўмир, 48 минг тонна минерал ўғит, 7 миллион 300 минг метр газлама, 11 минг тонна ўсимлик мойи, 578 минг жуфт пойафзал ва бошқа кўпгина маҳсулотлар етказиб берилди.

Етти йилликнинг икки ярим йили мобайнида саноат ялпи маҳсулоти ишлаб чиқариш бундан олдинги шу даврдагига нисбатан 22 процентдан зиёдроқ кўпайди. Техника-иқтисодий кўрсаткичлар яхшиланди. Меҳнат унумдорлиги етти йиллик бошланганидан бери 12,3 процент ошди. Шу вақт ичида маҳсулот таннархини камайтириш ҳисобига 25,3 миллион сўм тежалди.

Кейинги йилларда саноатнинг ривожланишидаги характерли хусуснят шуки, техникани тараққий эттириш асосида ишлаб чиқариш ни ташкил этишда муҳим сифат ўзгаришлари рўй берди.

Ҳисобот даври мобайнида янги техника ва илғор технологияга доир 1500 дан кўпроқ тадбир амалга оширилди, 2800 дан кўпроқ машина-ускуна алмаштирилди ва 7 минга яқин машина-ускуна модернизация қилинди, 27 та автомат ва ярим автомат линия, 1150 та махсус ва автомат станоклар ишга туширилди, 150 типдаги янги машиналар, ускуналар ва асбоблар кўплаб ишлаб чиқариладиган бўлиб қолди. Кўп корхоналарнинг табиий газ билан ишлай бошлаганлиги ишлаб чиқариш маданиятини ошириш ва техника-иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашда катта аҳамиятга эга бўлди.

Мана шу ва бошқа тадбирлар амалга оширилганлиги натижасида халқ хўжалигида бир неча ўн миллион сўмлик маблағ тежалди.

Техникани тез тараққий эттириш, ишчиларнинг малакаси ва умумий маълумот даражасини тўхтовсиз ошириш, ишлаб чиқариш командирларининг маҳсус билимларини такомиллаштириш юзасидан партия кўрган тадбирлар туфайли мана шундай сифат ўзгаришлари қўлга киритилди.

Рационализаторларимиз ва ихтирочиларимиз ишлаб чиқаришнинг техника даражасини оширишга катта ҳисса қўшмоқдалар. Фақат бир ярим йилнинг ўзида 16 мингдан кўпроқ рационализаторлик ва ихтирочилик таклифлари халқ хўжалигига жорий қилинганлиги натижасида 26 миллион сўмга яқин маблағ тежалди.

Ҳозирги замоннинг ватанпарварлик ҳаракати — коммунистик меҳнат ҳаракати ишлаб чиқариш процессларини такомиллаштирмоқ ва меҳнат унумдорлигини оширмоқ учун жуда катта, ҳақиқатан бебаҳо аҳамиятга эгадир. Ҳозирги вақтда республика саноатида 12 мингдан кўпроқ коллектив коммунистик меҳнат бригадалари, сменалари, участкалари ва цехлари деган ном олиш учун, юз мингдан кўпроқ ишчи эса коммунистик меҳнат зарбдорлари деган ном олиш учун курашмоқда. Беш корхонага ва икки ярим минг бригадага ҳамда участкага мана шундай фахрли номлар берилди.

Завод ва фабрикаларда, конлар ва нефть корхоналарида партия XXII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақа кенг авж олди. Бу умумхалқ мусобақасининг қатнашчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тарихий XXII съездининг очилишини хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларида янги меҳнат галабалари билан нишонлашга қаттиқ бел боғлаганликларини ифодаламоқдалар. 25 сентябрда республика саноати ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш тўққиз ойлик планини муддатидан олдин бажарди. **(Қарсаклар).**

Лекин саноатимизнинг ишида ҳали катта камчиликлар бор, катта имкониятлардан тўла фойдаланилмаётир. Бир қанча корхоналарда янги техника ва илғор технология тузук жорий қилинмаётганлиги, машина-ускуналар ва моддий-техника ресурс л а р и д а н фойдаланишда хўжасизликка йўл қўйилаётганлиги, ишчилар меҳнати қониқарлик ташкил этилмаётганлиги сабабли кўп нарсани бой бермоқдамиз. Айрим раҳбарлар қисқартирилган иш кунига ўтиш учун керакли ташкилий-техника чораларини белгилашга ва амалга оширишга юзаки қарадилар.

Шунинг учун ҳам Халқ хўжалиги кенгашининг ва Главместпромнинг бир қанча корхоналари саккиз ойлик давлат планини бажармадилар. Халқ хўжалиги кенгашининг кўпгина корхоналари меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан саккиз ойлик топшириқни бажармадилар.

Халқ хўжалиги кенгаши, унинг бошқармалари, Главместпром, кўпгина партия ва касаба союз ташкилотлари корхоналарнинг ишларини чуқур ўрганмаётирлар ва давлат планларининг бажарилмай қолишига йўл қўймаслик учун зарур чораларни ўз вақтида кўрмаётирлар.

Плани унинг барча техника-иқтисодий кўрсаткичлари бўйича бажариш йўлида муваффақиятли курашмоқ учун ишлаб чиқаришнинг ҳар бир участкасида нималар бўлаётганлигини конкрет равишда билиб туриш, корхоналарнинг ишини ва уларнинг экономикасини чуқур анализ қила билиш, ички резервлардан тўғри фойдаланиш ва фан, техника муваффақиятларини, илғорлар тажрибасини зўр бериб жорий қилиш керак. Баъзи раҳбарларимизнинг ишидаги камчилик ҳудди ана шунда.

Партия ва ҳукумат саноатнинг самаралиги ишлаши учун бутун шарт-шароитни яратиб берган ҳозирги вақтда давлат планларининг бажарилмай қолишини сира ҳам оқлаб бўлмайди.

Вазифа шуки, йилдан-йилга тобора кўп тармоқли бўлиб бораётган республика саноатининг ривожланишини моҳирлик билан бошқара бориш керак. Партия, совет, хўжалик ташкилотлари саноат ишлаб чиқаришининг ҳар бир тармоғига тинмай эътибор бериб, малакали раҳбарлик қилишлари керак.

Ўртоқлар! Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини ривожлантиришда, ҳозирги замон техникасини ҳар томонлама тараққий эттиришда **электрлаштириш** етакчи роль ўйнайди. КПСС Программаси проектида яқин 20 йил ичида бутун мамлакатни электрлаштиришни асосан тугаллаш, шу асосда ижтимоий ишлаб чиқариш техникасини, технологиясини ва унинг ташкил этилишини такомиллаштириш вазифаси қўйилган. Бизнинг республикамиз ҳам улуг Ленининг ёппасига электрлаштириш идеясини амалга ошириш учун курашнинг ҳал қилувчи даврига қадам қўймоқда. Электроэнергия ишлаб чиқаришнинг биргина 1960 йилдаги ўсиши 1940 йилда республикада ишлаб чиқарилган жами электр энергиядан 1,5 баравар ошиб кетди.

Энергетикамизнинг қуввати тўхтовсиз ўсмоқда. Бу йил Фарғона ТЭЦининг янги турбогенератори, Тахиатош ГРЭСининг биринчи турбогенератори саноатга ток берди. Фарҳод ГЭСининг қуввати кўпайтирилди. Ўрта Осиёдаги энг катта Оҳангарон ГРЭСи яқинда тўла қувват билан ишга тушади. Навоий ГРЭСининг биринчи навбатдаги қисми шу йилнинг охирида. Тошкент ГРЭСининг биринчи навбатдаги қисми эса 1963 йилда ишга туширилиши керак.

Бироқ, биз халқ хўжалигининг энергетика қувватини кўпайтирмоқ учун ўзимизда бўлган имкониятлардан ҳали тўлиқ фойдаланаётганимиз йўқ. Энергетика объектларини қуриш суст бормоқда. Ваҳоланки, биз янги қувватларни ишга тушириш йўли билан электр энергия ишлаб чиқаришни 1965 йилда 12.740 миллион киловатт-соатга етказишимиз, ёки 1961 йилдагига нисбатан қариб икки баравар кўпайтиришимиз лозим.

Халқ хўжалигини янада ривожлантириш манфаатлари электр энергияни ишлаб чиқариш бу энергияга бўлган эҳтиёжлардан илдамроқ бориши талаб қилади. Республиканинг Қурилиш министрлиги ва Халқ хўжалиги кенгаши янги энергетика қувватларини ва электр етказиб берувчи линияларни ишга тушириш соҳасида давлат топшириқларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашлари керак. Бунда шуни ҳисобга олиш керакки, энергетика ва ирригация объектларини комплекс равишда қуриш республикамиз шароитида жуда катта аҳамиятга эгадир.

Электр энергия истеъмолчиларини марказлаштирилган энергия билан таъминлашга планли равишда ўтказиш ҳамда тежамсиз майда электростанцияларни тугатиш жуда муҳим ишдир. Ҳозир республикамизда 2.500 дан кўпроқ мана шундай майда электростанциялар бўлиб, буларда жуда кўп ходимлар хизмат қилмоқда. Электр хўжалигини бошқаришни марказлаштириш энергетикани ривожлантиришни жадаллаштиришда жуда катта аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда энергетика хўжалигининг марказлаштирилмаган ҳолда турли бошқармалар ихтиёрида бўлиши халқ хўжалигини электрлаштириш суръатларини сусайтирмоқда. Республиканинг Давлат план комиссияси ва Халқ хўжалиги кенгаши бу масалаларни ўрганиб чиқиб, тегишли таклифлар тайёрлашлари керак.

Партия ташкилотлари энергетика объектларини қуриш, электр энергиясидан тўғри, тежамли фойдаланиш масалалари билан муттасил шуғулланишлари, республикани электрлаштиришни туғаллаш ишини қатъият билан планли равишда ўтказишлари керак.

Ўзбекистон мамлакат **рангли металлургиясининг** асосий базаларидан бирига айланмоқда.

Рангли металлургия корхоналарининг ялпи маҳсулоти икки ярим йил мобайнида анча кўпайди. Меҳнат унумдорлиги 37 процент ошди, товар маҳсулоти қийматининг ҳар бир единицасига қилинаётган харажатлар 20 процент камайди. Руда қазиб чиқариш ва уни қайта ишлаш кўпайди. Рудаларни очиқ ҳолда қазиб олиш энг самарали ва тежамли усул бўлиб, бу усулнинг салмоғи ҳозир 90 процентни ташкил қилади. Жуда кўп меҳнат талаб қиладиган ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш тугалланмоқда. Кон қазиш ишларида рудаларни ва тоғ жинсларини йиғиштириб олишни механизациялаш даражаси 1958 йилдаги 70 процентдан ҳозирги вақтда 92 процентга етказилди, рудаларни тозалаш ишларида рудалар эҳтиб беришни механизациялаш даражаси 95 процентга етказилди.

Олтинтопган бойитиш фабрикасида ҳар бир тонна рудадан олинаётган металлар миқдори анча кўпайди.

Шу билан бир вақтда рангли металлургияни ривожлантиришда жиддий камчиликлар борлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Олтинтопган комбинатидаги мис-бойитиш фабрикасининг иккинчи ва учинчи секцияларини қуриш ва монтаж ишлари ҳаддан ташқари чўзиб юборилди. Рудалардан мис аҳратиб олишда янада прогрессив методлар жорий қилиш кечикиб кетаётганлиги сабабли қимматли металл кўплаб нобуд бўлмоқда. Мана шу ва бошқа камчиликларни мумкин қадар тезроқ тугатиш керак.

Оғир индустриянинг мана шу етакчи тармоқларидан бирини тағин ҳам тезроқ ривожлантирмоқ учун бизда катта имкониятлар бор. Рангли металлургия маҳсулотини ишлаб чиқаришни кўпайтиришнинг шу етти йиллик учун мўлжалланган миқдори жуда реал миқдордир.

Оҳангарондаги каолин гилмоясидан тилгупроқ олиш процессларини ўзлаштириш, рудаларни бойитиш ва концентратларни эритиш вақтида нодир металлар ажратиб олиш юзасидан тайёргарлик ишларини энг қисқа муддатда авж олдириб юориш зарур. Цемент, алюминий ишлаб чиқармоқ, нодир ва тарқоқ металларни қазиб олмоқ учун Оҳангарон конининг хом ашё бойликларидан комплекс фойдаланишга алоҳида эътибор берилиши лозим.

Республика халқ хўжалигини ривожлантиришда **қора металлургия** катта роль ўйнаши лозим. В. И. Ленин номидаги металлургия заводининг коллективи кейинги йилларда анча муваффақиятларга эришди. Бу завод давлат планларини муттасил бажармоқда ва ишлаб чиқаришнинг техника-иқтисодий кўрсаткичларини тўхтовсиз оширмоқда.

Бироқ, бу корхона ишлаб чиқараётган металл республиканинг эҳтиёжидан жуда оз қисминигина қопламоқда. Ўзбекистоннинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш истиқболлари шуни қатъий талаб қилмоқдаки, Халқ хўжалиги кенгаши, Фанлар академияси, «Ўзглавгеология» ва бошқа ташкилотлар қора металлургияни маҳсаласини амалий ҳал қилмоқ учун ҳом ашё ресурсларини аниқлаш ишларини кучайтириб юборишлари керак.

Ёқилғи саноати, айниқса нефть ва газ қазиб чиқариш республика экономикасини янада юксалтирмоқ учун катта аҳамиятга эга.

Нефть қазиб чиқариш плани республикамизда ошириб бажарилмоқда. Нефтчилар ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаштириш соҳасида олдинда бормоқдалар. Бу йил улар кичик диаметрли кон қудуқларини пармалаш, қатламларга сунъий таъсир ўтказиш процессини жорий қилиш топшириқларини муддатидан олдин бажардилар ва нефть корхоналаридан фойдаланишнинг техника даражасини ошириш соҳасида бошқа муҳим тадбирларни кўрдилар.

Айни вақтда шуни айтиб ўтиш керакки, нефтнинг саноат запасларини кўпайтириш ҳозирча суст бораётир. Нефть чиқаришни 1965 йилда 3 миллион тоннага етказмоқ, яъни икки баравардан зиёдроқ кўпайтирмоқ учун нефть разведка қилиш ва ялаш ишларининг ҳажмини анча кенгайтириш зарур.

Бизнинг табиий газ бойликларимиз битмас-туганмасдир. Кейинги икки йил ичида газнинг саноат запаслари 20 баравардан зиёдроқ кўпайди. Газ чиқариш шу йилнинг ўзидагина 1958 йилдагига нисбатан 10 баравар кўпайтирилади, 1965 йилда эса 22 миллиард куб метрга етказилиши лозим.

Қурувчилар ва монтажчиларнинг қаҳрамонона меҳнати туфайли Жарқоқ—Бухоро—Самарқанд—Тошкент газ қувури муддатидан олдин қурилиб бўлди. 500 га яқин саноат корхоналари ва коммунал корхоналар Бухоро газини ишлатмоқда. Республикадаги меҳнаткашларнинг 75 мингдан кўпроқ квартираси газдан фойдаланадиган бўлиб қолди.

Лекин табиий газдан фойдаланиш имкониятларимиз катта бўлишига қарамай, бу имкониятлар ҳозирча тузук ишга солнимаётир. Саноат, қишлоқ хўжалик корхоналарини, уй-жойларни газдан фойдаланишга ўтказиш ишлари суст-каршлик билан олиб борилмоқда. Шаҳарларда газ шохобчаларини қуриш жуда орқада қолмоқда. Шу сабабли, газ чиқариш плани бажарилмаётир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети яқинда қарор қабул қилиб, шаҳар ва районларни газ билан таъминлаш муддатларини белгилаб бердилар. Область, шаҳар ва район партия комитетлари бу қарорнинг бажарилишини алоҳида назорат қилиб туришлари керак.

Табиий газнинг жуда катта запаслари республикамизнинг ишлаб чиқарувчи кучларини янада кенг миқёсда ривожлантириш учунгина эмас, балки шу билан бирга Ўзбекистоннинг қардош республикалар билан, Уралнинг йирик саноат районлари билан иқтисодий алоқаларини мустаҳкамлаш учун ҳам ғоят муҳим фактор бўлиб қолмоқда.

Ҳозир қардош Қозоғистон территориясида газ қувурлари ётқизилмоқда. Бухоро билан Урал ўртасида узунлиги 2.163 километр бўлган энг катта газ магистралини қуриш бошланди. Ўзбекистон газини Челябинск саноати 1963 йилда, Свердловск саноати эса 1965 йилда олиши лозим. Бу умумдавлат вазифасини муваффақиятли бажармоқ учун ҳамма чораларни кўриш бизнинг ватанпарварлик ва интернационал бурчимиздир.

Нефть ва газ саноатини ривожлантириш билан бир қаторда кўмир чиқаришни ҳам анча кўпайтиришимиз зарур. Кўмир саноатининг ходимлари 1965 йилда халқ хўжалигига 6.200 минг тонна юқори сифатли кўмир беришлари керак. Кўмир саноатида кўмир тарқибини яхшилаш, кўмирни қазиб олиш ва юклаш ишларини механизациялаш, шунингдек йўл ишларини комплекс механизациялаш сингари зарур вазифаларни ҳал қилиш керак. Машина-ускуна ва механизмлардан фойдаланиш коэффициентини кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини анча ошириш ва кўмирнинг таннархини камайтириш зарурлигини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак.

Бизнинг **геологларимиз** рангли металлургияни ва ёқилғи саноатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар. Геология-қидириш ишларида ишлатилаётган техника анча кўпайди, бу ишларнинг методикаси такомиллаштирилди.

Ўзбекистон ҳом ашё ва минерал ресурсларга жуда бой, геологларнинг бу ресурсларни топиш соҳасидаги ишлари ва бу ишларнинг натижалари эса республика халқ хўжалигини янада кенг миқёсда ривожлантириш вазифаларига ҳали тўла жавоб бера олмайди. Қорақалпоғистон АССР, Хоразм ва Сурхондарё областларининг табиий бойликлари қониқарли даражада ўрганилмаяпти.

Ўзбекистоннинг ер ости бойликларини қидирувчилар илмий-тадқиқот ташкилотлари, Халқ хўжалиги кенгаши, саноат корхоналари билан ҳамкорликда ишлаб, янги ҳом ашё ва минерал ресурсларни қидириб топиш ишларини кучайтиришлари керак. Бу ишлар эса энг кам маблағ сарфланган ҳолда қисқа муддатда энг кўп иқтисодий самара бериши лозим. Қишлоқ хўжалигини ва, аввало, пахтачиликни янада ривожлантирмоқ учун катта аҳамиятга эга бўлган гидрогеология тадқиқотларини ҳам кучайтириш керак.

Кимё саноати ялпи маҳсулотининг ҳажми кейинги йилларда анча кўпайди. Кўпгина кимёвий ишлаб чиқаришларнинг технология процессларини автоматлаштириш ва такомиллаштириш соҳасида катта иш қилинди. Селен шлам, аккумулятор кислотаси, соф цианамид, фурил спирти ва фурил смоласи ҳамда бошқа қимматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Кимё корхоналарида юк ортиш ва юк бўшатиш сингари оғир ишлар асосан механизациялаштириб бўлинди.

Ўзбекистонда ҳақиқатан ҳам битмас-туганмас табиий газ запаслари топилганлиги «катта кимё» саноатини ривожлантирмоқ учун, янги, такомиллашган ва арзон ишлаб чиқариш воситалари ва халқ истеъмоли буюмлари чиқармоқ учун жуда катта имкониятлар вужудга келтирди. Бироқ республикамизда бу имкониятлардан ҳали жуда кам фойдаланмоқдамиз.

Биз кимё саноати маҳсулоти ишлаб чиқаришни етти йил ичида 4,5 баравар кўпайтиришни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйдик. Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш анча кўпайтирилиши лозим. Халқ хўжалиги кенгаши ва Қурилиш министрлиги Чирчиқ электр кимё комбинатида, Қўқон ва Самарқанд суперфосфат заводларида янги қувватларни ишга туширишни тезлатиш учун амалий чоралар кўришлари керак.

Ғўза баргларини тўктириш учун яхши натижалар берадиган кимёвий дориларга — дефолиантларга республиканинг эҳтиёжи йилдан-йилга ортиб бораётганлигини ҳисобга олиб, биз Навоий кимё комбинатида соф цинамид ва Фарғонадаги азотли ўғитлар заводида магний хлорати ишлаб чиқарадиган қувватларни ишга туширишни тезлатишимиз керак.

Республикада синтетик ва бошқа материаллар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва ташкил этишга ҳам янада активроқ киришмоқ зарур.

Машинасозликни ривожлантириш халқ хўжалигини техника билан қайта қуроллантирмоқ учун, айниқса пахтачиликни комплекс механизациялаштирмоқ учун биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Етти йилликнинг ўтган икки ярим йили мобайнида республика машинасозлик заводлари коллективларининг ва конструкторлик бюроларининг коллективлари 150 номда янги машиналар, механизмлар ва асбоблар яратиб бердилар. «ХВС-1,2» пахта териш машинаси, чигитларни белгиланган миқдорда экиб берадиган сеялка, ип йигирадиган ва чийлайдиган машиналар, пахтани қоп-қанорсиз ташимоқ учун ағдарма прицеп, экиладиган ва ишлаш ишлаш ишлаш

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ XVI СЪЕЗДИ

Ўрток Ш. Р. РАШИДОВ докладининг давоми

(Боши иккинчи бетда)

Металлургия заводида Шариф Ҳусайнов бошчилик қилаётган коммунистик меҳнат бригадаси 1961 йилнинг 8 ойи мобайнида пландан ташқари икки минг тонна ғ ғ ғ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ XVI СЪЕЗДИ

„КПСС УСТАВИНИНГ ПРОЕКТИ ТЎҒРИСИДА“ГИ ДОКЛАД ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

Ўзбекистон Компартиясининг XVI съездида Ўзбекистон КП Марказий Комитети секретари **М. М. Мусахоновнинг** «КПСС Уставининг проекта тўғрисида»ги доклади юзасидан қизғин музокаралар бошланиб кетди.

Раислик қилувчи — Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари **Г. А. Габриельянц** Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари **С. М. Веселов**га сўз беради.

Тошкент область партия ташкилоти КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг доимий ёрдами ва раҳбарлигини ҳис қилиб, партиянинг XVI съездига ғоявий ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкамланган ҳолда келди, деб таъкидлайди нотиқ. Область коммунистлари ва барча меҳнаткашлари марксизм-ленинизм назариясини коммунистик қурилиш практикаси билан изоҳий тарзда қўшиб олиб боришнинг порлоқ намунаси бўлган КПСС Программаси ва Устави проектларини зўр қувонч ва қонуний ифтихор билан кутиб олдилар. Ҳозирги замонинг бу энг муҳим ҳужжатларини муҳокама қилиш ҳар бир совет ватанпарварига янги қучлар бағишлаб, коммунистларнинг ва барча меҳнаткашларнинг бирлигини ҳамда Никита Сергеевич Хрушчев бошлиқ ленинчи Марказий Комитет теварагига маҳкам жипслашганлигини кўрсатувчи ёрқин намойишга айланди.

Нотиқ КПСС Устави проектининг катта аҳамияти ҳақида гапириб, партия ҳақ тўланадиган аппаратни камайтириш ва партия комитетларининг фаолиятида жамоатчилик асосларини кенгайтириш йўлини қаттиқ тутаётганлигини таъкидлайди. Ҳозирги вақтда Тошкент областининг қаҳар ва район партия комитетларида штатсиз инструкторлар сони штатли инструкторлар сонидан кўпроқдир. Уларнинг кўплари саноат ва қишлоқ хўжалик мутахассислари бўлиб, ишни чуқур биладилар. Район партия комитетларининг комиссиялари ва штатсиз бўлимлари тобора кўпаймоқда. Баъзи район ва шаҳар партия комитетлари конференциялар ўртасидаги даврда бошланғич партия ташкилотларининг коммунистлари олдида ҳисобот беришни қўлланадиган бўлдилар. Бундай қилиш коммунистларнинг актив л и г и н и оширади, ташкилий ва идеологик ишларнинг савиясини юксалтиришга ёрдам беради. Партиявий раҳбарликнинг янги формаларини бутун чоралар билан ривожлантириш, партия ташкилотларининг омма билан алоқасини мустаҳкамлаш зарур.

Янги Устав проектида партиямиз негизини ташкил этган бошланғич партия ташкилотларининг ролини оширишга катта аҳамият берилади. Тажриба шуни кўрсатадики, бошланғич партия ташкилотлари корхоналарнинг ишини чуқур билиб иш олиб борган жойда ишлаб чиқариш планлари, социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилади. Чирчиқ электр химия комбинати партия ташкилотларининг фаолияти бунга мисол бўла олади.

Тошкент тўқимачилик комбинати, «Политотдел», «Коммунизм» колхозлари бошланғич партия ташкилотларининг ва бошқа бошланғич партия ташкилотларининг ишини ҳар қанча мақтулласа бўлади. Бироқ, афсуски, Тошкент областида сust ишлаётган бошланғич партия ташкилотлари оз эмас.

Партия Уставининг янги талаблари муносабати билан биз бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг систематик суратда ўқиши ҳақида ғамхўрлик қилишимиз лозим. Область партия комитети бу масалаларни ҳозирча сust ҳал этмоқда. Шуни айтиш керакки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг партия органлари бўлими ҳам партия ташкилотлари секретарларининг ўқиши билан ҳали яқиндан шуғулланаётгани йўқ.

Тошкент область партия ташкилоти янги Устав талабларига мувофиқ, коммунизмнинг моддий техника базасини яратиш учун курашда коммунистларнинг авангардлик ролини янада ошириш учун бутун кучини сарф қилади.

КПСС Уставининг Проекти, — дейди Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг иккинчи секретари **М. П. Вишинский**, — коммунистик қурилишда ёшларнинг иштирок этишига эътибор беради ва комсомол олдига янги вазифаларни қўйиб, уларнинг жамият ҳаётидаги ролини ошириш учун катта имкониятлар очиб беради. Комсомоллар буни партиянинг ёш авлод ҳақидаги оталарча ғамхўрлиги деб биладилар ва бу ғамхўрликни конкрет ишларда шараф билан оқлашга тайёрдирлар.

Партия ташкилотларининг ва айниқса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг доимий эътибори ва амалий ёрдами туфайли республика комсомол ташкилотларини ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлашда, уларнинг ёшлар билан алоқасини кенгайтиришда маълум муваффақиятларга эришилди.

КПСС Устави проекти комсомолни ёшларнинг ташаббускор жамоат ташкилоти деб ҳисоблайди. Бу ташкилотнинг вазифаларидан бири коммунизм даврида яшайдиган ва ишлайдиган ҳар томонлама етук авлодни етиштиришдан иборат. Шунинг учун ҳам республика комсомоллари ва ёшлари коммунистик ўз-ўзини бошқариш учун зарур бўлган малакаларни ҳосил қилишга интилмоқдалар.

Ҳозирги кунда жамоат иши одамларда қониқиш ҳисларини тутдириб, зарур эҳтиёж бўлиб қолмоқда. «Жамоат нагрузкаси» деган сўзни тилимиздан чиқариб ташлаш керак.

Биз ўз-ўзини бошқариш жамоат органлари куртакларини ривожлантириш билан минглаб ва миллионлаб ёшларга ғоявий жиҳатдан чиниқишда ёрдам берамиз, уларда бошқариш малакасини тарбиялаб етиштирамиз, йигит ва қизларга ўзларида коммунизм қурувчиларнинг ахлоқ кодекси асос қилиб олинган фазилатларни етиштиришда ёрдам берамиз.

Бизнинг фикримизча, КПСС Уставининг партия аъзоларининг ҳуқуқлари ҳақидаги бўлимига, ёш авлодни тарбиялашда шахсан актив қатнашиш ҳар бир коммунистнинг энг муҳим вазифаси, деб қўшимча киритиш керак.

Ўзбекистон Компартиясининг XVI съездини ишонтириб айтишга ижозат бергайсизки, — дейди ўртоқ Вишинский, — республика комсомол ташкилоти партия ташкилотларининг жанговар ёрдамчиси ва ишончли резерви сифатидаги олийжаноб шараф билан оқлайди. Коммунистик қурилиш вазифаларини амалга ошириш учун янада актив кураш олиб боради.

Сталин район партия комитетининг биринчи секретари **П. Қаюмов** бундай дейди:

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига ўз сиёсати ва амалий фаолиятининг энг муҳим масалалари юзасидан коммунистлар билан бутун халқ билан маслаҳатлашиш традиция бўлиб қолди. Бу ленинча традиция тарихий жараёнда халқ оммасининг ролини марксча тушунишга асосланади, Владимир Ильич Ленин айтганидек, ўн миллионлаб ижодкорлар бир кишининг энг буюк ва геннал баҳосини кўра бекиёс юксак нарсаларни яратади, деган фикрга асосланади. Партиянинг меҳнаткашлар оммаси манфаатларига доир бўлган, совет жамиятининг ривожланиш йўлларини белгилайдиган масалалар юзасидан бевосита халққа мурожаат қилиши партиямиз ленинчи Марказий Комитети фаолиятининг энг характерли хусусиятларидан биридир. Бу хусусият Коммунистик партиянинг ўз табиатидан, партиянинг халқ манфаатларидан бошқа, меҳнаткашларнинг бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилишдан бошқа манфаатлари йўқлиги фактидан келиб чиқади.

КПСС Программаси ва Устави проектларининг умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинганлиги ленинча традициянинг янги ифодаси бўлди ва барча коммунистлар, ҳамма совет кишилари томонидан зўр шодлик билан кутиб олинди. Бу ҳужжатларнинг эълон қилинганлиги сиёсий активлик ва меҳнат ғайратини янада кучайтириб юборди. КПСС Программаси ва Устави проектларини Сталин район партия ташкилоти ва барча меҳнаткашлари зўр сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати ошган вазиятда кутиб олдилар. Бу ҳужжатларни муҳокама қилганда коммунистлар, комсомоллар, партиясиз меҳнаткашлар КПСС Программаси ва Устави проектларини маъқуллаганлари ҳолда, жонажон партиянинг XXII съезди шарафига қўшимча мажбуриятлар қабул қилдилар.

Шу тарихий ҳужжатлардан руҳланган районимиз меҳнаткашлари давлатга пилла, жун, тухум сотиш юзасидан ўз мажбуриятларини муддатидан илгари адо этдилар. Давлатга гўшт сотиш плани ҳам яқинда бажарилади. Об-ҳаво шароитининг ноқулай келганлиги сабабли вужудга келган қийинчиликларга қарамай, қишлоқ меҳнаткашлари пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Район пахтакорлари пахта сотиш планини 7 ноябргача бажаришга аҳд қилдилар. «Қизил юлдуз» колхози ва районнинг бошқа хўжаликларидаги 35 пахтакор бригада КПСС XXII съезди очилишигача планнинг бажарилганлиги тўғрисида рапорт бериш мажбуриятини олдилар.

Амин бўлиш мумкинки, Сталин районининг партия ташкилоти ва барча меҳнаткашлари Ватанга берилган ваъдани сўзсиз бажариш учун бутун кучларини сарф қиладилар ва бу билан мамлакатимизда коммунистик жамият қуришдан иборат умумий ишга муносиб ҳисса қўшадилар.

Денов районидаги Жданов номли колхоз партия ташкилотининг секретари **Ҳ. Иброҳимова** сўзга чиқади.

Бизнинг колхозимизда, дейди у, 59 коммунист бор. Коммунистлардан 12 киши хотин-қизлардир. Партия аъзоларининг ҳаммаси КПСС янги Уставининг проекти талаб қилганидек яшашга ва меҳнат қилишга интилмоқда. Улар колхоз ҳаётида актив қатнашиб, далада ҳам, турмушда ҳам бошқа колхозчиларга ҳар жиҳатдан намуна кўрсатадилар. Биз колхозда ишлаб чиқариш илғорларининг кўпроқ бўлиши учун ҳурашамиз. Ўзимиз эса кекса, тажрибали кадр ходимлардан таълим оламиз. Кўпчилик коммунистлар бевосита далада ишлайдилар. Улар орасида кўп механизаторлар бор, қолганлари ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларида ишламоқда. Ҳамма коммунистлар КПСС XXII съезди шарафига олган мажбуриятларини шараф билан бажармоқдалар.

Жонажон партиямизнинг ғамхўрлиги туфайли колхозимизда ҳозир 2 клуб, 2 кутубхона бор, колхозчилар учун 230 типовой обод уйлар қурилди. Колхозчиларнинг болалари иккита етти йиллик ва битта ўн бир йиллик мактабда ўқимоқда.

Колхознинг партия комитети ҳузурида пропагандист ва агитаторлар группаси бор. Улар колхозчилар ўртасида мунтазам суратда суҳбатлар ўтказмоқдалар, лекциялар ўқимоқдалар, шунингдек колхоз ишлаб чиқариш илғорларининг тажрибасини ёймоқдалар.

Лекин партия комитетимизнинг ишида камчиликлар ҳам мавжуд. Масалан, бизда хотин-қизлардан механизаторлар ҳали оз. Ёш болалари оналарга медицина хизмати кўрсатиш иши унчалик яхши йўлга қўйилмаган. Аммо бу камчиликларнинг ҳаммасини биз энг яқин вақт ичида тугатамиз. Ҳозирги вақтда бизнинг асосий вазифамиз — мўл ҳосилнинг бир граммини ҳам нобуд қилмай, сўнгги кўсагигача териб олишдан иборат.

Жданов номли колхоз коммунистлари ва ҳамма аъзолари давлатга пахта топшириш, жамоат чорвачилигини ривожлантириш юзасидан ўз зиммаларига олган ҳамма мажбуриятларини шараф билан бажариш ҳамда жонажон Коммунистик партиянинг XXII съездини муносиб кутиб олиш учун ўз кучларини аямайдилар.

Фарғона шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **У. Абдуллаев** айтадики, шаҳарнинг бошланғич партия ташкилотлари ҳозирги вақтда асосий эътиборларини КПСС Программаси ва Устави проектларини ғуҗунтириш ва чуқур ўрганиш ишига қаратмоқдалар. Бу ишда партия активлари, илмий ходимлар, корхона ва муассаса раҳбарлари, интеллигенция орасидан пропагандистлар, лекторлар ва докладчилар жалб этилди. Бир ярим мингдан ортиқ агитаторлар бу ҳужжатларни аҳолига иш жойида ва турар жойда тушунтириш билан шуғулланмоқдалар. КПСС Программаси ва Устави проектлари юзасидан саксон мингга яқин сиёсий ахборотлар ва баланд овоз билан ўқишлар ўтказилди.

Фарғона партия ташкилотларида бу ҳужжатларни муҳокама қилиш давомида коммунистлар кўпгина қимматли таклифлар киритдилар. Бу таклифлар, жумладан, буржуа идеологияси ва хусусий мулкчилик қайфиятлари қўринишларига қарши курашни кучайтиришга, бошланғич партия ташкилотларини янада мустаҳкамлашга, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ва коллективларнинг ишлаб чиқариш фаолиятидаги ролини оширишга қаратилган.

КПСС Программаси ва Устави проектларини муҳокама қилиш вақтида коммунистларнинг юксак активлиги уларнинг партия ҳаёти ленинча нормаларини таъминлашга ҳаракат қилаётганликларини исбот этади. Улар партия аъзоси ўзининг бутун куч-ғайратини коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш учун курашга бағишлаши, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишда ўрнак кўрсатиши, меҳнат унумдорлигини ошириши ҳамма янги, прогрессив нарсанинг ташаббускори бўлиб чиқиши, техникани эгаллаб бориши, ўз малакасини ошириши, хатти-ҳаракат ва турмушда намуна кўрсатиши лозим эканлигини яхши биладилар. Бу хислатларнинг ҳаммаси коммунистик меҳнат коллективлари деган юксак номни олишга сазовор бўлган ёки шу номни олиш учун зўр ғайрат билан курашаётган бригадаларга раҳбарлик қилувчи партия аъзоларининг фаолиятида айниқса яққол намоён бўлмоқда. Аммо, партия ҳаётининг нормаларига риоя қилинмаётганлигини кўрсатадиган айрим фактлар ҳам учраб туради. Бундай ҳоллар га кескин барҳам бериш лозим.

Шуни эътироф этиш керакки, шаҳар партия ташкилоти ёш коммунистлар билан сust иш олиб бормоқда, кандидатлардан қўпининг стаж муддати ўтиб кетган. Ишчилар ва хизматчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишларни олиб боришда, қабул қилинган қарорларнинг амалга оширилишини назорат қилиш ва ижрони текшириш ишида катта камчиликлар бор.

Нотиқ қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини амалий контроль қилиш — муваффақиятли раҳбарликнинг зарур шартидир, деб таъкидлайди. Шу муносабат билан, у Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Советини танқид қилиб ўтади, уларнинг баъзи қарорлари амалга оширилмаётганлигини таъкидлайди. Бунинг натижасида, жумладан, Фарғонада уй комбинатини ва азотли ўғитлар заводини қуриш муддатлари кечикиб кетди, чунки улар зарур машина-ускуналарни ўз вақтида олмадилар.

Бухоро область партия комитетининг иккинчи секретари **Н. И. Белоусов** ўз нутқида қуйидагиларни айтди:

Бухоро областининг барча бошланғич партия ташкилотларида, сиёсий маориф шохобчаларидаги тўгаракларда ва семинар машғулотларида КПСС Программаси ва Устави проектларини ўрганиб чиқиш давом этмоқда. Пропагандистлар ва агитаторларнинг катта отряди ана шу тарихий ҳужжатларда баён қилинган идеяларни ҳар бир меҳнаткашнинг онгига сингдириш учун ҳаракат қилмоқда.

Партия янги Устави проектининг буюк аҳамияти шундаки, у партия қурилишининг ленинча принципларини мустаҳкамлайди. КПССнинг авж олдирилган коммунистик қурилиш илҳомчиси ва ташкилотчиси сифатидаги ролини янада юксак даражага кўтаради. КПСС янги Устави проектида баён қилинган ўзгаришлар янги тарихий даврда партия олдига қўйилаётган объектив талабларни акс эттиради.

Коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган даврда партия аъзоларининг роли ва вазифалари янада кўпроқ ортади. Янги Устав партия аъзоларидан коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш учун кураш олиб боришни, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишда ўрнак кўрсатишни, ҳамма янги, прогрессив нарсанинг ташаббускори бўлиб чиқишни, кадрларни танлаш ва тарбиялашнинг ленинча принципларига бўлинган барча ҳоллларга нисбатан муросасиз бўлишни талаб этади.

Аммо, шуни эътироф этиш керакки, бизнинг область партия ташкилотимизда партиянинг айрим аъзолари партия ҳаётининг нормаларини, кадрларни танлашдаги ленинча принципларни бузаётганликларини, танқиднинг бўғилишига ва танқид қилган кишиларнинг қувғин остига олинишига йўл қўяётганликларини, партия ва давлатни алдашга йўл қўяётганликларини кўрсатадиган фактлар ҳали ҳам бор. Коммунистларнинг бундай хулқи партия Уставининг талабларига хилофдир ва шу сабабли область партия ташкилотлари ана шу ярамас ҳолларга ва бундай ножўя ишларни қилувчиларга қарши шафқатсиз кураш олиб бормоқдалар.

Бухоро область партия ташкилотининг коммунистлари КПСС янги Уставининг проектини якдиллик билан маъқуллаб, ўзларининг бир қанча таклифларини киритдилар. Бу таклифларнинг моҳияти асосан қуйидагилардан иборат:

Бошланғич партия ташкилотлари бюро аъзолари ва секретарларини очиқ овозга қўйиш йўли билан сайлаш керак; коммунистлар партиянинг 5 аъзоси бўлган жойларда бошланғич партия ташкилотлари тузишни таклиф этадилар; бундан ташқари ' район ёки шаҳар партия комитетининг КПСС аъзолигидан ўчириш тўғрисидаги қарорини қатъий қарор деб ҳисоблаш керак. КПСС сафидан чиқариш тўғрисидаги масалани чиқариш ганларнинг аппеляцияси бўйичагина область партия комитетларида қараб чиқиш лозим; деган фикр изҳор қилинди; рекомендация берувчи коммунист ўзи рекомендация берган киши учун уч йил мобайнида жавобгар эканлигини ҳам кўрсатиб ўтиш керак; КПСС аъзолигига кандидатларнинг тайёргарлиги турли даражада бўлишини ва уларнинг ишчанлик хислатларини текшириш имконияти турлича бўлишини эътиборга олиб, кандидатлик стажини бир йилдан тортиб икки йилгача муддат билан белгилашни кўзда тутиш лозим.

«Правда Востока» газетасининг редактори **А. Д. Ивахненко** ўз нутқида бундай деди: Шу кунларда газеталар, журналлар, радио ва телевиденье редакцияларининг жуда кўп хат олаётганлиги партиямиз Программаси ва Устави проектларининг муҳокама қилиниши совет кишиларининг сиёсий активлигини бениҳоя кучайтириб юборганлигини, оммаанинг активлиги ғоят ўсганлигини яққол кўрсатади. Тарихий ҳужжатлар эълон қилинган пайтдан буён республикамизнинг уч газетаси — «Қизил Ўзбекистон», «Ўзбекистони Сурх» ва «Правда Востока» редакциялари Программа ва Устав проектлари ҳақида конкрет мулоҳазалар ва таклифлар баён қилинган 1.162 хат-хабар олдилар. Бу хатларнинг ярмидан кўпроғи газета саҳифаларида эълон қилинди.

Нотиқ КПСС Марказий Комитетининг матбуотда жамоатчилик асосларини янада ривожлантириш тўғрисидаги кўрсатмалари қандай бажарилаётганлиги ҳақида гапиради. Газеталар тезарагига тўпланаётган эктивлар сони ортиб бормоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг қарорига мувофиқ, «Қизил Ўзбекистон», «Ўзбекистони Сурх» ва «Правда Востока» редакцион коллегияларининг жамоатчи аъзолари тасдиқланди. Бу редакцияларда штатсиз бўлимлар ташкил этилди, штатли бўлимлар ҳузурида эса, авторлар кенгашлари тузилди. Ҳар учала газетада 370 штатсиз мухбир жамоатчилик асосларида иш олиб бормоқда.

Партия комитетлари дейди ўртоқ Ивахненко ўз газеталари редакцияларининг иш планларини систематик равишда тасдиқлашлари, партия комитетлари ходимлари ўзларининг босма органларида хабар, мақолалар ёзиб қатнашишлари, редакцияларнинг партия йиғилишларида, редколлегияларнинг мажлисларида иштирок қилишлари керак. Журналистларни танлаш ва тарбиялаш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиш лозим.

Партия комитетлари пленумларда куйи ташкилотларнигина эмас, балки ўз босма органларининг ҳам ҳисоботларини систематик равишда эшитиб турадилар, деган модда КПССнинг янги Уставида кўрсатиб ўтилиши лозим.

Устав проектида айтиб ўтилишича, партия аъзоси партия йиғилишларида, конференцияларида, съездларида, комитетларнинг пленумларида ҳар бир коммунистни танқид қилиш ҳуқуқига эгадир. Нотиқ ана шу моддага «партия матбуотида ҳам» деган сўзларни илова қилиш керак, деб ҳисоблайди. Матбуотнинг танқидига конкрет ва амалий эътибор бериш лозим. Бу ишни товлаш, матбуотнинг чиқишларига расмиятчилик билан бюрократларча қурук жавоб қайтариш танқидни бўғиш, деб қаралиши керак ва бунда айбдор бўлганлар қаттиқ жазоланиши лозим.

Никита Сергеевич Хрушчев совет журналистларини партиянинг дастёрлари унинг буюк иши учун актив курашчилар, деб атади. Ўзбекистон журналистлари, дейди ўртоқ Ивахненко нутқининг охирида, партиянинг матбуот ходимларига кўрсатаётган жуда катта ишончига жавобан янада зўр ғайрат билан ишлайдилар, порлоқ истиқбол — коммунизм қуришдан иборат улуғ ишга муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Ҳар бир совет кишиси, дейди Самарқанд шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **О. Умаров**, ҳозирги шодиёна кунларда ўз ишларини КПСС Программаси ва Устави проектларида қўйилган буюк вазифалар асосида қараб чиқмоқда. Самарқанд меҳнаткашлари партиянинг XXII съездини меҳнат соҳасида янги ғалабалар билан кутиб олмоқдалар. Саноат корхоналарининг коллективлари Ўзбекистон Коммунистик партияси XVI съезди шарафига олган мажбуриятларини бажариб, тўққиз ойлик плани 20 сентябрда адо қилдилар, ўн ойлик планни эса, КПСС XXII съезди очиладиган кунгача бажарадилар. Шаҳар меҳнаткашлари пахта теримида пахтакорларга катта ёрдам кўрсатмоқдалар.

Барча совет кишилари КПСС Программаси ва Устави проектларини ўзларининг жонажон иши деб қабул қилдилар. Улар КПСС Марказий Комитети ана шу ҳужжатларни эълон қилиш билан ўзларининг асл фикрларини, туйғу ва орзуларини ифода этди, деб ҳисоблашмоқдалар. Самарқанд коммунистлари партия ҳисобот-сайлов йиғилишларида ва шаҳар партия конференциясида сўзлаган нутқларида партия Программаси ва Устави проектларини якдиллик билан маъқулладилар ва бу проектлар бошдан охиригача ленинча ўлмас идеялар билан суғорилган, деб таъкидладилар.

Нотиқ янги Устав проектида баён қилинган юксак талаблар асосида Самарқанд партия ташкилотларининг фаолиятини таҳлил этади. У айтадики, ҳозирги вақтда шаҳардаги бошланғич партия ташкилотлари ҳар қандай мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир кучли ташкилот бўлиб қолдилар. Масалан, В. И. Ленин номли «Красный двигатель» заводининг партия ташкилоти техникани тараққий эттириш учун ва етти йиллик план топшириқларини муваффақиятли бажариш учун зўр ғайрат билан кураш олиб бормоқда.

Нотиқ шаҳар партия ташкилотларининг амалий ишларига доир бир қанча мисоллар келтириб, Уставнинг партия комитетлари фаолиятида жамоатчилик асосларини бутун чоралар билан ривожлантириш тўғрисидаги, кадрларни танлаш жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш масалаларига эътиборни кучайтириш ҳақидаги талаблари тўғри эканлигини кўрсатади.

Ўрток Умаров яна бундай деди: Партиянинг янги Уставида коллектив раҳбарлик тўғрисидаги ва кадрларнинг шахсан жавобгарлиги ҳақидаги қоида аниқ баён қилинган. Улуғ Ленин белгилаган ва Н. С. Хрушчев ҳамиша бизнинг эътиборимизни жалб этаётган бу принцип партия сафларида интизомни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, раҳбарларнинг ўзларига топширилган иш учун жавобгарлигини оширади ва айни вақтда барча коммунистларни партия ҳаётида актив қатнаштиришга ёрдам беради.

Съезд делегатлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси янги Устави проектини қизғин маъқуллаган резолюцияни якдиллик билан қабул қилдилар. (ЎзТАГ).

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

СССР Министрлар Совети Речь Посполита, Польша подшолиги, Висла бўйи ўлкаси ва буржуа Польшаси марказий маъмурий муассасаларининг, шунингдек маҳаллий бошқариш органлари суд, полиция, хўжалик ва молия муассасаларининг, савдо ва саноат корхоналарининг, жамоат ва черков ташкилотларининг СССР давлат архивларида сақланаётган архив материалларини Польша Халқ Республикаси ҳукуматига топшириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Топширилаётган архив материаллари 1427 йил билан 1939 йил ўртасидаги даврга тааллуқли бўлиб, Польша тарихини ўрганиш учун илмий жиҳатдан катта қиймат эгадир.

СССР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИДА

СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. П. Фирюбин 1961 йил 23 сентябрда Туркия Республикасининг Москвадаги элчиси Ф. Корутюркни қабул қилди ва Совет ҳукуматининг топшириғига биноан унга қуйидаги оғзаки баёнотни берди:

12 сентябрда Туркияда НАТОнинг «чек-мейт» («шах-мат») деган шартли ном билан йирик ҳарбий маневрлари бошланди.

НАТО давлатларининг ҳозирги пайтда бундай маневрларни ўтказишининг ўзи ҳам бу маневрларнинг ирвогарлик характерида эканлигини исбот этади. Шу нарса тамомила аёнки, хусусан ҳозирги шароитда Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатлар чегаралари яқинида шу хилдаги маневрларнинг ўтказилиши бу давлатларга қарши душманлик намойишидан бошқа бир нарса эмас ва НАТОнинг халқаро вазиятни кескинлаштириш мақсадини кўзда тутган навбатдаги агрессив ҳарбий тадбирларидан биридир.

Афсуки, юқорида баён қилинган фактларга асосланиб, шуни қайд қилишга тўғри келадики, Туркия ғаддариб ташланган Мендерес ҳукумати вақтидаёқ бебурд бўлиб қолган сиёсатни — Совет Иттифоқи билан чегарадош районларда НАТО ва СЕНТОнинг агрессив планларини амалга оширишда қатнашиш сиёсатини давом эттирмоқда.

Шу нарса ҳам эътиборни ўзига жалб этадики, Қора денгиз бўғозлари ва Қора денгизнинг маневрлар ўтказиш учун НАТО ихтиёрига топширилиши бўғозлар ва Қора денгиз режими тўғрисидаги халқаро битимларга ва Қора денгиз бўйидаги давлатларнинг қонуний манфаатларига тамомила хилофдир.

Туркия ҳукумати бу билан ана шундай ҳаракатларнинг рўй бериши мумкин бўлган оқибатлари учун бутун жавобгарликни ўз зиммасига олганлигини эслатиб ўтишнинг ҳожати йўқ.

* * *

Корутюрк жаноблари Совет ҳукуматининг баёноти Туркия ҳукуматига маълум қилинажагини айтди.

XXII съездни меҳнатда янги ғалабалар билан кутиб олайлик!

☆ ☆

Мусобақа илғорларига кўчма Қизил байроқ

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети бу йилги ҳосилни йиғиб-териб олиш ҳамда уни давлатга сотиш юзасидан районлар ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 21 сентябрдан 26 сентябргача бўлган якунини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Юқори Чирчиқ районида** қолдирилди (район партия комитетининг секретари **Ким М. В.** район ижроия комитетининг раиси **М. Ражабова**, район комсомол комитетининг секретари **И. Султонова**, харид қилиш бўйича давлат бош инспектори **Кан В. А.** ўртоқлар). Бу район йиллик пахта тайёрлаш планини 61,29 процент миқдорида бажарган ва ўтган беш кунликда давлатга 17,40 процент пахта сотган.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Сирдарё районидаги **«Малик» совхозига** берилди (совхоз директори **С. А. Бочкарев**, партия ташкилотининг секретари **А. Мейербеков**, ишчилар комитетининг раиси **Б. Эшматов**, комсомол комитетининг секретари **С. Ғойибов** ўртоқлар). Бу совхозда йиллик план 25,09 процент миқдорида бажарилган. ўтган беш кунликда давлатга 13,26 процент пахта сотилган ва беш кунликда 12,63 процент пахта машинада терилган.

Йиғим-теримда намуна кўрсатиб ишлаган энг яхши механизаторларни, колхозчиларни ва совхоз ишчиларини мукофотлаш учун Юқори Чирчиқ районига 300 сўм ҳамда «Малик» совхозига 150 сўм пул ажратилди.

Оржоникидзе области ва Қуйи Чирчиқ районидаги «ЎзССР беш йиллиги» совхозининг пахта териш ва уни давлатга сотиш бўйича яхши ишлаганлиги қайд қилинди.

* * *

Область партия комитети ва область ижроия комитети давлатга картошка ва сабзавот сотиш бўйича районлар, колхоз ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 21 сентябрдан 25 сентябрга бўлган якунини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Калинин районидаги **Ленин номли колхозга** берилди (раиси **Х. Отажонов**, партия ташкилотининг секретари **Р. Каримов**, комсомол ташкилотининг секретари **П. Ҳасанов** ўртоқлар). Бу колхоз ўтган беш кунликда давлатга 2,7 процент картошка ва 4,7 процент сабзавот сотиб юқори кўрсаткичларга эришган. Байроқ «XX партсъезд» колхозидан олиб берилади.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Калинин районидаги **«Келес» совхозида** қолдирилди (совхоз директори **М. П. Агабобьян**, партия ташкилотининг секретари **П. А. Степахин**, ишчилар комитетининг раиси **И. Дерниченко** ўртоқлар). Бу совхоз бўйича ўтган беш кунликда яхши натижаларга эришилган ва давлатга 3,6 процент картошка, 2,4 процент сабзавот сотилган.

Калинин районидаги Охунбобоев номли, «Ленинизм», Навоий номли колхозлар ва «Назарбек» совхози, Оржоникидзе районидаги Киров номли ҳамда «Қизил Ўзбекистон» колхозларининг давлатга сабзавот ва картошка сотиш бўйича яхши ишлаганликлари қайд қилинди.

Пахта — миллий ифтихоримиз

26 сентябрь ҳолатига

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Районлар	Бир кунда	Мавсум бошидан бери	Қоп-қанорсиз ташиш
Юқори Чирчиқ	3,86	61,29	14,7
Оржоникидзе	2,50	45,36	54,9
Пискент	2,01	36,03	21,5
Янгийўл	2,19	30,65	15,0
Ўрта Чирчиқ	2,04	30,13	17,8
Чиноз	2,12	29,40	22,8
Бўка	1,73	26,72	17,3
Сирдарё	1,94	25,93	15,5
Қуйи Чирчиқ	2,76	25,66	20,5
Оққўрғон	1,62	23,26	26,1
Бекобод	1,62	22,32	30,9
Комсомол	1,71	21,87	26,0
Янгиер	1,88	21,48	21,5
Гулистон	1,37	17,65	10,3
Область бўйича	1,95	27,38	21,5

„ПОЛИТОТДЕЛ“ КОЛХОЗИ ПАХТАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

ЯНГИБОЗОР (Тошкент области), 26 сентябрь. (ЎзТАГ). Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг пахтакорлари Ўзбекистон Компартиясининг XVI съезди ишлаб турган кунларда янги меҳнат ғалабаларига эришдилар. Улар йиллик пахта тайёрлаш давлат планини муддатидан олдин бажардилар. 503 гектар ернинг ҳар гектаридан 32,5 центнердан ҳосил олиниди. Коммунистлардан Абдулла Абдураҳмонов, Хайрулла Мусақулов ва Ким Григорий бошлиқ бригадалар ҳар гектаридан 33-34 центнердан ҳосил кўтардилар.

Колхоз пахтакорлари ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил олиш тўғрисида социалистик мажбурият қабул қилдилар. Бу мажбурият КПСС XXII съезди очиладиган кунгача бажарилади.

Декада қатнашчилари Польшага жўнаб кетдилар

Республикамизнинг бир группа ёзувчилари, рассомлари, композиторлари, театр санъати усталари 25 сентябрда Ўзбекистон пойтахтидан Польшага жўнаб кетдилар. Улар у ерда ўтказиладиган Ўзбекистон ва Қозоғистон халқлари маданияти декадасида қатнашадилар.

Республика вакиллари составида ёзувчи Ҳаким Назир, композитор И. Икромов, Ўзбекистон ССР ва ҳизмат кўрсатган артист А. Азимов, Навоий номидаги Ўзбекистон академик опера ва балет театрининг солистлари Р. Кучлинова, Р. Тангуриев ва бошқалар бор.

Айни вақтда Ўзбекистонлик бир группа туристлар ҳам Польшага жўнаб кетдилар. (ЎзТАГ).

Ю. А. ГАҒАРИН ЦЕЙЛОНГА БОРАДИ

КОЛОМБО, 25 сентябрь. (ТАСС). Совет Иттифоқининг Цейлондаги ишлар вакили В. П. Степанов бугун Цейлон бош министри Сириманво Бандарананке хоним ҳузурига бориб, Цейлон бош министри ва маориф министрининг Цейлонга келиш ҳақида лутфан қилган таклифи учун биринчи космонавт Ю. А. Гагарин самимий ташаккур билдирганлигини Сизга маълум қилиш менга топширилди, деди. Ю. А. Гагарин 31 октябрь—1 ноябрда Цейлонга келиш билан хурсанд бўлади.

ФУТБОЛ

Кеча пойтахтдаги «Пахтакор» стадионида 1-10 ўринлар учун курашаётган футбол командаларининг навбатдаги мусобақаси бўлиб ўтди. Майдон эгалари харьковлик «Авангард» командасини қабул қилдилар. Ўйиннинг иккинчи ярмида меҳмонлар «Пахтакор» дарвозасига тўп киритиб, ҳисобни очдилар. Пахтакорчилардан